O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ANDIJON VILOYATI ANDIJON SHAHAR HOKIMINING
QARORI

710000 Андижон шаҳри Тошкент кўчаси, 8-уй, Тел: 227-63-58

2021 - yil 10 - sentabr 57-1-29-Q/21 Andijon shahar hokimligi

Андижон шаҳар ҳудудида юзага келаётган тирбандликларни олдини олиш, транспорт ва пиёдалар оқимини тартибга солиш тўғрисида.

Андижон шаҳар кўчаларида йўл ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситаларини ҳаракатини тартибга солиш, жамоат тартибини сақлаш мақсадида Андижон шаҳар Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимининг 30/18-17-сонли хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-, 25-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н.

1. Андижон шахридаги айрим кўчаларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситаларини ҳаракатини тартибга солиш ва транспорт воситалари тирбандлигини олдини олиш мақсадида 3.27 (Тўхташ тақиқланади) йўл белгиларини ўрнатишга рухсат берилсин.

2. Андижон вилоят махсус эксплуатация-монтаж бўлинмаси бошлиғи (К.А.Джаббаров)га Андижон шаҳар худудидаги айрим автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таьминлаш ва транспорт воситалари тирбандлигини олдини олиш мақсадида:

- Андижон шаҳар Ғайрат МФЙ худуди Темирчи ва 1-тор Ғайрат кўчаларида йўлининг 2 томонига; (Эски шахар)гача 3.27 (Тўхташ тақиқланади) йўл белгилари ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

3. Андижон вилояти “Махсус эксплуатация-монтаж бўлинмаси”га Андижон шаҳрида ноқулай об-ҳаво шароитларида маънан эскирган йўл белгиларини ўрнига кўриниш даражаси юқори бўлган нур қайтарувчи

светодиодли йўл белгиларига алмаштирилишига рухсат берилсин ва сақланишини таъминлаши белгилаб қўйилсин.

4. Андижон шаҳар ИИО ФМБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими (Б.Абдувахобов)га:

- Андижон шаҳар ҳудудида юзага келаётган тирбандликларни олдини олиш, транспорт ва пиёдалар оқимини тартибга солиш мақсадида юқорида кўрсатилган кўчаларда йўлнинг икки томонига **3.27** “Тўхташ тақиқланади” йўл белгиларини ўрнатилиши, жамоат тартибини сақлаш ҳамда транспортлар қатновини тартибли равишда ташкил этишда маъсул ходимларни бириктириб, тегишли чоралар кўриб борилсин.

5. Ушбу қарор қабул қилинганидан сўнг расмий нашрларда эълон қилинсин ҳамда ҳокимлик расмий веб-сайтида жойлаштирилсин (расман эълон қилингандан кейин бир кун ичида).

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Д.Тўрақулов зиммасига юклатилсин.

Shahar hokimi **Б.Хайдаров**